

О'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo'rg'on shahar
HOKIMI
QARORI



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
города Каттакурган
Самаркандской области
Республики Узбекистан

О'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (86-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

2016 у.г. «15» май № 312-18 Каттақўрг'он ш. – г. Каттақурган

Каттақўрг'он шаҳар Оби-хаёт кўчасида ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш мақсадида омборхона ва ёрдамчи бинолар қуришга рухсат бериш ҳақида

Каттақўрг'он шаҳар ҳокими номига Каттақўрг'он (С.Хушназаров) кўчаси 28 уйда яшовчи фуқаро Тоиров Шоҳаббос Суратжоновичнинг ёзган аризасини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 18 июлдаги ПФ – 4455 сон Фармони бажариш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги № 54-сон “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда 2014 йил 31 декабрдаги 378-сонли “Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида”ги қарорларига асосан, “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДУК 2016 йил 5 апрелдаги № 1-10/1293-сонли баённомасини, Самарқанд вилоят Давлат экологик экспертизасининг 2015 йил 8 январдаги 5-сонли хулосасини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик ва Ер кодексларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттақўрг'он шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттақўрг'он шаҳар Каттақўрг'он (С.Хушназаров) кўчаси 28 уйда яшовчи фуқаро Тоиров Шоҳаббос Суратжоновичга, Оби-хаёт кўчаси атрофида бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган лойиҳа асосида ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш мақсадида омборхона ва ёрдамчи бинолар қуриш учун шаҳар ҳокимлиги захирасидаги ишлаб чиқариш ҳудудидан 3000,0 кв.метр ер майдони ажратилсин.
3. Каттақўрг'он шаҳар Каттақўрг'он (С.Хушназаров) кўчаси 28 уйда яшовчи фуқаро Тоиров Шоҳаббосга белгиланган тартибда қилинган лойиҳа-смета ҳужжатлари (кейинги ўринларда қурилиш лойиҳаси деб аталади) асосида қуриш учун ҳужжатларини расмийлаштириш юқлатилсин. Ушбу қарор объектни қуришга муҳандислик қорхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисоблансин.
4. Ерни натура тарзида жойида ўлчаб бериш Архитектура ва қурилиш бўлими (О.Розиқов) ҳамда Каттақўрг'он шаҳар «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр» давлат қорхонаси (Қ.Неғматов) зиммаларига юқлатилсин.
5. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни шаҳар ҳокими ўринбосари И.Маматов зиммасига юқлатилсин.

Шаҳар ҳокими

Ш.Ж.Рахмонов